

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОҒАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ
ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

184 **Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисидаги тартибни ҳамда унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 198-2*

(2011 йил 10 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 559-модда) фармониға, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда), 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудоғаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудоғаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланган Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби (рўйхат рақами 198, 1995 йил 20 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудоғаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати томонидан тасдиқланган Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига қўшимча (рўйхат рақами 214, 1996 йил 4 январь);

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг 2005 йил 6 июлдаги 103, 361, 3/3-413а ҳамда 80-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 198-1, 2005 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 218-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 март,
4-П-сон

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 март,
1-сон

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 март,
25-сон

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 март,
125-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2011 йил 30 март